

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030-йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 21 февралдаги 83-сон қарори ижросини амалга ошириш графиги бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот

(2023 йил 4 сентябрь ҳолатига)

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddатлари	Ижро ҳолати
1.	<p>2-банд. б) Кўрсаткичларни тўплаш бўйича вазифаларни Давлат статистика ишлари дастурига киритиб бориш, кўрсаткичларни доимий асосда тўплаш ва МБРМ веб-порталида (www.nsdg.stat.uz) эълон қилиб бориш;</p>	<p>1. Статистика дастурига барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича ҳар бир вазирлик ва идорага тегишлилиги бўйича миллий БРМ индикаторларини статистика агентлигига тақдир этиш бўйича ишларни киритиш.</p> <p>2. Тегишли вазирлик ва идоралардан шунингдек, агентликда мавжуд БРМга оид кўрсаткичларни доимий асосда тўплаш ва МБРМ веб-порталида (www.nsdg.stat.uz) эълон қилиб бориш.</p>	Доимий	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Статистика дастурига МБРМ кўрсаткичларни тўплаш бўйича вазифалар киритилган, кўрсаткичларни доимий асосда тўлаб МБРМ веб-порталида (www.nsdg.stat.uz) эълон қилиб борилмоқда</p>
2.	<p>1-илова. 17.18-вазифа.</p> <p>2025 йилгача даромадлар даражаси, жинси, ёши, ирқи, миллати, фуқаролиги, ижтимоий мақоми, географик жойлашуви ва миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, аҳамиятли бўлган бошқа хусусиятлар бўйича тақсимланган юқори сифатли, долзарб ва ишончли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини жиддий равишда кўпайтириш.</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини юқори савияда, сифатли ўтказиш.</p> <p>2. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларида йиғилган маълумотларни умумлаштириш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва натижа-ларни таҳлилий-статистик маълумотлар шаклида эълон қилиш.</p>	<p>2024 йил 31 декабрь</p> <p>2024 йил 31 декабрь</p>	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида 2023-йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон қарорига асосан 2021 йил 1-25 ноябрь кунлари Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида аҳолини синов тариқасида рўйхатга олиш тадбири ўтказилди.</p>

			<p>Синов жараёнларида қоғоз шаклида йиғилган бирламчи маълумотлар</p> <p>2022 йил январ-март ойлари давомида Андижон, Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар статистика бошқармалари ҳузурида “Бирламчи маълумотларни электрон базага киритиш” Марказлари ташкил етилиб, шартнома асосида жалб етилган 100 нафар операторлар томонидан Ахборот тизими орқали бирламчи маълумотлар электрон базага тўлиқ киритилиб, таҳлил қилинди.</p> <p>Ўтказилган синов натижаларига кўра, планшет ёрдамида аҳолини рўйхатга олиш қоғоз усулига нисбатан қулайлиги, тезкорлиги ва иқтисодий жиҳатдан самараси юқори эканлигини кўрсатди. Шунингдек, Интернет тармоғи орқали рўйхатга олиш жараёнларининг онлайн равишда амалга оширилиши бирламчи маълумотларни умумлаштириш жараёнларини тезлаштирди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириғига 2022 йил 4 августдаги 02-2061-сон топшириғига асосан аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга Давлат бюджетидан катта маблағ талаб етиши ва ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш лозимлиги</p>
--	--	--	--

				инобатга олиниб, ушбу масалани келгусида кўриб чиқиш топширилди.
3.	<p>1-илова 17.19-вазифа. Ҳозирги ташаббусларга асосланган ҳолда, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот кўрсаткичига қўшимча тарзда барқарор ривожланиш соҳасида тараққиётни ўлчаш бўйича бошқа ўлчов кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, статистика соҳасидаги салоҳиятни ошириш.</p>	<p>1. Халқаро тажрибага таянган ҳолда барқарор ривожланиш соҳасида тараққиётни ўлчаш бўйича ўлчов кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Жаҳон банкининг "Статистика салоҳияти индекси"да мамлакат кўрсаткичини (баҳо) 2025 йилгача 94,0 баллга етказиш.</p>	<p>2029 йил 31 декабрь</p> <p>2025 йил 31 декабрь</p>	<p>Бажарилмоқда. 1. Глобал миқёсда ушбу кўрсаткич ишлаб чиқиш жараёнида, ишлаб чиқилгач миллий шароитга мослаштириш ва маълумотларни шакллантириш механизми ишлаб чиқилади.</p> <p>2. Жаҳон банкининг "Статистика салоҳияти индекси"да мамлакатимиз кўрсаткичини яхшилаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, индекс таркибига кирувчи субиндикаторлар таҳлил қилинди ва мавжуд бўлмаган ва кўрсаткичимиз паст бўлган индикаторлар бўйича вазифалар белгилаб олинди, ҳамда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига ҳар йили тасдиқланадиган Устувор рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастурлари"га таклифлар бериб келинмоқда.</p> <p>Бундан ташқари, Давлат статистика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг статистик салоҳиятини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси</p>

				Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур Қарор лойиҳаси билан “2022–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг статистик салоҳиятини ошириш стратегияси” ва уни амалга ошириш дастури тасдиқланиши назарда тутилган.
4.	2-илова 1-банд. Барқарор ривожланиш мақсадлари индекси бўйича ҳисоботларни таҳлил қилиш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.	1. SDG Index ҳисоботида кўра, рейтингнинг юқори бешлигидаги хорижий давлатлар тажрибасига мувофиқ Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан келиб тушган сўровга асосан тегишли таҳлилий-статистик маълумотлар-ни тақдим этиш.	2022 йил II чорак	Бажарилди. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. SDG Index нинг 2022 йил ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси 77 ўринни эгаллади, рейтингда жами 163 та давлат иштирок этган.
		2. Барқарор ривожланиш мақсадлари индекси бўйича тасдиқланган “йўл хариталари”да белгиланган чора-тадбирларнинг Давлат статистика қўмитасига тегишли қисмининг бажарилиши бўйича Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига маълумот киритиб бориш.	Доимий	Бажарилмоқда. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига мунтазам равишда маълумот киритиб борилмоқда.
		3. 2022 йилги индексда Ўзбекистон Республикасининг мавқеини ошириш бўйича чора-тадбирлар режасига таклифлар ишлаб чиқиш ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритиш.	Сўровга мувофиқ	Бажарилмоқда. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигидан сўров келиб тушмади.

5.	<p>2-илова 2-банд. МБРМ кўрсаткичларининг 2030 йилгача бўлган мақсадли кўрсаткичларини аниқлаш.</p>	<p>1. МБРМ кўрсаткичлари бўйича ҳар бир масъул вазирлик ва идоралар томонидан ҳар бир кўрсаткич бўйича 2030 йилгача бўлган мақсадли кўрсаткични аниқлаш. 2. Кўрсаткичлар бўйича мақсадли кўрсаткичлар рўйхатини Идоралараро ишчи гуруҳга киритиш. 3. Мақсадли кўрсаткичларни йиғиб, Мувофиқлаштирувчи кенгашга киритиш ва тасдиқлатиш.</p>	2022 йил 31 мартга қадар	<p>Бажарилди. МБРМнинг рақамларда экс этувчи жами 77 та индикатори бўйича 2022 йилдан 2030 йилгача бўлган даврлар учун дастлабки мақсадли кўрсаткичлари шакллантирилиб, мувофиқлаштирувчи кенгашга киритилиб тасдиқланди (29.04.2022 йил 02/1-1261)</p>
6.	<p>2-илова 3-банд. МБРМнинг 2030 йилгача мониторингини юритиш мақсадида SDG Tracker платформаси юритилишини таъминлаш.</p>	<p>1. МБРМ кўрсаткичлари бўйича ҳар бир масъул вазирлик ва идоралар томонидан ҳар бир кўрсаткич бўйича йиллик ва 2030 йилгача бўлган мақсадли кўрсаткични аниқлаш. 2. Кўрсаткичлар бўйича маълумотлар ва метамаълумотларни доимий равишда SDG Tracker платформасига киритиб бориш. 3. Мақсадли кўрсаткичларга эришиш натижалари бўйича таҳлилий маълумотларни Мувофиқ-лаштирувчи кенгашга киритиш.</p>	2022 йил I чорак Доимий равишда Доимий равишда	<p>Бажарилди. SDG Tracker платформасида Ўзбекистон Республикаси саҳифаси очилди ҳамда 60 та миллий барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари юритилиши амалиёти жорий этилди.</p>
7.	<p>2-илова 6-банд. Маълумотлари мавжуд бўлмаган кўрсаткичларнинг методологияларини ишлаб чиқиш ва янги кўрсаткичлар бўйича маълумотларнинг тўпланишини таъминлаш.</p>	<p>1. Маълумотлари мавжуд бўлмаган кўрсаткичлар руйхатини аниқлаш ва кўрсаткичларнинг методологияларини ишлаб чиқиш мақсадида ишлар режасини тузиш. 2. Ишлаб чиқилган ишлар режасини масъул вазирлик ва идоралар билан келишиш ва Идоралараро ишчи гуруҳга киритиш. 3. Идоралараро ишчи гуруҳ</p>	Доимий равишда Доимий равишда Доимий	<p>Бажарилмоқда. Тасдиқланган 190 та миллий БРМ индикаторларининг 152 таси глобал БРМ индикаторлари билан тўлиқ мос келади, 28 таси прокси индикатор ва 10 таси миллий индикатор ҳисобланади. Давлат статистика қўмитаси томонидан манфаатдор вазирлик ва</p>

		томонидан масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар бир кўрсаткич бўйича халқаро тажрибаларни инobatга олиб, БМТ агентликлари ва халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ва уларнинг техник ёрдам асосида методологияларни ишлаб чиқиш.	равишда	идоралар билан ҳамкорликда 125 та Миллий БРМ индикаторлари бўйича маълумотлар шакллантирилиб Миллий БРМ веб-сайти (www.nsdg.stat.uz)га жойлаштирилди. Маълумотлари мавжуд бўлмаган 65 та индикатор рўйхати шакллантирилди, ушбу индикаторларни босқичма-босқич ишлаб чиқиш бўйича йўл харитаси тегишли вазирлик ва идоралардан йиғиб олинди.
8.	2-илова 7-банд. МБРМ веб-порталида ва “Ўзбекистон халқаро рейтингларда” ягона порталида эришилган натижаларнинг янгиланиб борилиши ва эълон қилинишини таъминлаш.	Миллий БРМнинг ҳар бир кўрсаткич бўйича эришилган натижалар тўғрисида МБРМ веб-порталида ва “Ўзбекистон халқаро рейтингларда” Ягона порталида нашрларнинг эълон қилинишини таъминлаш.	Ҳар йили бир марта	Бажарилмоқда. Давлат статистика кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасида Миллий барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича йиллик статистик тўплами ўзбек, рус ва инглиз тилларида 2019 йилдан бошлаб ҳар йили нашр этилиб вазирлик ва идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган халқаро ташкилотларга тақдим этиб борилмоқда, шунингдек, ушбу тўпланинг электрон шакли http://nsdg.stat.uz веб сайтига жойлаштириб келинмоқда. Шунингдек, МБРМ индикаторлари “Ўзбекистон халқаро рейтингларда” Ягона порталига ҳам жойлаштрилди.
9.	2-илова 8-банд. БМТ ва унинг ташкилотлари билан БРМларга эришиш масалаларида ҳамкорликни	1. БМТ ва унинг ташкилотлари, Статистика комиссияси ҳамда бошқа тузилмалари билан тажриба алмашиш мақсадида ташкил этиладиган халқаро экспертлар иштирокидаги вебинар ва	2022 йил I чорак	Бажарилди. БМТ ва унинг ташкилотлари, Статистика комиссияси ҳамда бошқа тузилмалари билан тажриба алмашиш мақсадида ташкил этиладиган халқаро

	янада кучайтириш.	семинарларда иштирок этиш.		экспертлар иштирокидаги вебинар ва семинарларда иштирок этиб борилмоқда.
10.	2-илова 9-банд. Кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда, МБРМ амалга оширилиши бўйича мониторинг юритиш.	1. МБРМ кўрсаткичлари бўйича мониторинг юритиш. 2. Аниқланган камчиликлар ва кечикишлар юзасидан Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ҳамда Мувофиқлаштирувчи кенгашга тезкор ахборот киритиб бориш.	Доимий равишда Доимий равишда	Бажарилмоқда. Тасдиқланган 190 та миллий БРМ индикаторларининг 152 таси глобал БРМ индикаторлари билан тўлиқ мос келади, 28 таси прокси индикатор ва 10 таси миллий индикатор ҳисобланади. Давлат статистика қўмитаси томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 125 та Миллий БРМ индикаторлари бўйича маълумотлар шакллантирилиб Миллий БРМ веб-сайти (www.nsdg.stat.uz)га жойлаштирилди.
11.	2-илова 10-банд. МБРМга эришиш йиллик натижалари ва бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тайёрлаш.	МБРМ кўрсаткичларини тўплаш ва мониторингини юритиш орқали Мувофиқлаштирувчи кенгашга ҳар йили декабрь ойида мониторинг натижаларига кўра маълумотларни киритиш.	Ҳар йили бир марта	Бажарилмоқда. МБРМ кўрсаткичларини тўплаш ва мониторингини юритиш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга ахборот киритиб борилмоқда.
12.	2-илова 13-банд. Хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини қўллаш бўйича семинар ва конференциялар ташкил этиш (БМТ, донор давлатлар билан биргаликда).	МБРМни амалга ошириш ва уларни босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида ёритишга бағишланган ўқув-семинарлар, тренинг ва малака ошириш курсларида иштирок этиш.	Алоҳида жадвал бўйича	Бажарилмоқда. Хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини қўллаш бўйича семинар ва конференциялар ташкил этиб борилмоқда.
13.	2-илова 14-банд. МБРМни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Ихтиёрий	Ихтиёрий миллий ҳисоботни тайёрлаш учун сўровга мувофиқ мавжуд статистик кўрсаткичларни	Сўровга мувофиқ	Бажарилди. Ихтиёрий миллий ҳисоботни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳига миллий

	миллий ҳисоботини ишлаб чиқиш бўйича таклифларни тайёрлаш.	тақдим этиш.		БРМга оид мавжуд барча маълумотлар тақдим этилди.
14.	2-илова 15-банд. МБРМни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Ихтиёрий миллий ҳисоботи лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Ихтиёрий миллий ҳисоботни тайёрлаш учун сўровга мувофиқ мавжуд статистик кўрсаткичларни тақдим этиш.	Сўровга мувофиқ	Бажарилди. Ихтиёрий миллий ҳисоботини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳига миллий БРМга оид мавжуд барча маълумотлар тақдим этилди.
15.	2-илова 16-банд. Хорижий давлатларнинг (БМТ, донор давлатлар билан биргаликда) илғор тажрибаларини тегишли йўналишларда қўллаш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиш.	МБРМ доирасида ташкил этиладиган халқаро экспертлар билан учрашувларда, ўқув-семинарларда иштирок этиш.	Ҳар йили бир марта	Бажарилмоқда. МБРМ доирасида ташкил этиладиган халқаро экспертлар билан учрашувларда, ўқув-семинарларда иштирок этиб борилмоқда.
16.	2-илова 17-банд. МБРМга эришишнинг статистик кўрсаткичлари бўйича йиллик статистик тўплам лойиҳасини ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрлаш ва нашр этиш ҳамда МБРМ веб-сайтида жойлаштириш.	МБРМга эришишнинг статистик кўрсаткичлари бўйича йиллик тўпламни нашр этиш ҳамда МБРМ веб-сайтида жойлаштириш.	Ҳар йили бир марта	Бажарилмоқда. МБРМга эришишнинг статистик кўрсаткичлари бўйича йиллик тўпламни ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилиб тегишли вазирликларга тақдим этилди ҳамда МБРМ веб-сайтига жойлаштириб борилмоқда.